

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРЗАЛИЕВ САНЖАР МАҲАМАТЖАН ЎҒЛИ

**МОБИЛ ГИДРАВЛИК МАШИНАЛАРИ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Мирзалиев Санжар Махаматжан ўғли

Мобил гидравлик машиналари энергия самарадорлигини ошириш
усулларини ишлаб чиқиш 3

Mirzaliev Sanjar Makhamatjan ogli

Improvement methods of energy efficiency in mobile hydraulic
machines..... 17

Мирзалиев Санжар Махаматжан угли

Разработка методов совершенствования энергоэффективности
мобильных гидравлических машин..... 30

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 35

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ
ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРЗАЛИЕВ САНЖАР МАҲАМАТЖАН ЎҒЛИ

**МОБИЛ ГИДРАВЛИК МАШИНАЛАРИ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/T953 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидега бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tau1.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Конгратбай Авезимбетович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович
техника фанлари доктори, профессор

Алибоев Бахтиёр Абдурахмонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Етакчи ташкилот:

**Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги
конструкторлик-технологик маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.T.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй. Тел/факс.: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй. Тел.: +99871 232-14-39.

Диссертация автореферати «___» _____ 2020 йил тарқатилди.

(«___» _____ 2020 йил № ___-сонли тарқатиш баённомаси реестри).

А.А. Рискулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.А. Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

А.А. Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия тежамкор ва иш унуми юқори бўлган машиналарни ишлаб чиқиш долзарб мавзуга айланди. Гидравлик машиналарнинг катта қувват зичлиги, ишлаш аниқлиги, фойдаланишдаги енгилликлар уларнинг барча саноат турларида кенг қўлланишига сабаб бўлди. Шу жиҳатдан, гидравлик машина қурилмалари, хусусан, мобил техникалардаги гидравлик тизимнинг энергия самарадорлигини ошириш ва эксплуатацион параметрларини яхшилаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Гидравлик машиналарда одатда битта насос ва кўп фойдаланувчилар мавжуд. Насосдаги қувватни фойдаланувчиларга тақсимловчи гидротаксимлагич конструкцияси ва ишлаш принципи машина энергия самарадорлиги ва иш унумдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бутун дунёда гидравлик тизимли машиналарнинг иш унумдорлиги, эксплуатацион материаллари чидамлилиги, фойдаланиш хавфсизлиги ва аниқлиги, тебраниш меъёрий кўрсаткичларига мослиги сингари муаммоларга қаратилган илмий тадқиқот ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан гидравлик тизимларнинг энергия ресурстежамкорлигини ошириш ва экологик талабларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва йўл қурилиш соҳасида гидравлик тизимларнинг кенг қўлланилишини инобатга олган ҳолда гидравлик тизимдаги қувватни энергия ресурстежамкор услубларга асосланган назорат клапанлари орқали тақсимлашни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Республикамизда ишлаб чиқариш соҳасида ресурсларни тежаш, илғор технологиялар асосида юқори унумли саноат машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш масаласи қайд этилган¹. Унга кўра, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, 2020 йил давлат дастурига саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда жисмонан ва маънан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш бўйича вазирлик ва идораларга аниқ тадбирлар белгилаб қўйилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сонли «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сонли «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мобил гидравлик машиналар энергия самарадорлигини тадқиқ қилиш, уларнинг иш кўрсаткичларини ўрганиш ва параметрларини асослаш, энергия самарадорлигини пасайтирувчи омилларни бартараф этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан, германиялик олимлар С.Latour ва Н.Murrenhoff жорий гидромашиналардаги тизимларни классификация қилиш орқали энергия сарфини камайтириш қонуниятларини ифода этган, электрон оқим мослиги, электрон босимни кузатувчи усуллар учун гидротақсимлагич ва насосни такомиллаштириш устида амалий натижаларга эришганлар. Швециялик олимлар М. Axin, В. Eriksson, Р. Krus гидротақсимлагичлардаги энергия йўқотишларининг олдини олиш, бир моторга бир насосдан фойдаланиш, санокли гидравликанинг асосларини белгилаб бериш ва бошқарув усулларини ишлаб чиқиш устида фаолият олиб борганлар. Италиялик олимлар N. Nervegna ва M. Rundo мобил гидравлик машиналар, жумладан, экскаваторлар гидравлик тизимлари ва гидротақсимлагичларни саноат дастурий таъминотлари билан математик моделлаштириш, улардаги энергия самарадорлигини ҳисоблаш устида тавсиялар ишлаб чиққанлар. Америкалик олимлар О.Маһа, А.Васса, М.Ivantysynova ва бошқалар насос ва гидромотордаги вибрацияларни камайтириш ҳамда акустик кўрсаткичларини яхшилаш нуқтаи назаридан энергия самарадорлик мавзуси устида тадқиқотлар олиб борганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан эса В.К.Свешников, В.Н.Прокофьев, Д.Н.Попов, А.П.Кудрявцев, Т.М.Башта, В.А.Хохлов, Н.С.Гамынин, А.И.Вошин, И.В.Фрумкис, Б.А.Любимов, В.В.Ведерников, Г.П Кальбус., И.А.Немировский, В.М.Маквардте сингари олимлар гидронасослар ишлаб чиқиш, гидротақсимлагичларнинг чидамлилиги ва ишончилигини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Республикамиз олимларидан О.В.Лебедев, К.А.Шарипов гидротақсимлагичларнинг назарий асосларни аниқлаб, ҳисоблаш услубиятларини таклиф қилганлар.

Гидравлик тизимлар билан бошқарилувчи машиналарнинг қувват тақсимлагичларидаги жараёнларни тадқиқ этиш борасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп.

Кўплаб тадқиқотларда гидравлик қувват тақсимланишида фақат тақсимлагич устида изланиш олиб борилган, масалан, ричаг орқали фойдаланувчини механик бошқариш (кўтариш, тушириш, нейтрал, ишчи режимлар), аммо гидротақсимлагичнинг насос билан бирга ишлаши, уларнинг ташқи юк ҳолатига кўра оператор буйруғига асосан электрогидравлик компонентлар билан бошқариш усуллари ва бутун гидротизим энергия самарадорлигини ошириш усуллари етарли даражада ўрганилмаган.

Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун қувват узатишда гидротақсимлагичдаги жараёнларни таҳлил қилиш, золотникни электрогидравлик бошқаришда машина бошқарувчанлигини такомиллаштириш, гидротақсимлагичга конструктив ўзгартиришлар киритиш ва машина энергия самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № И-2017-2-15 «Пахта териш машинаси терим аппаратинининг кинематика ва динамикаси тадқиқоти учун синов стендини яратиш ва жорий этиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси, 36-18-сонли «МХ-1,8 ПТМ гидравлик юритмали териш аппаратини бошқариш учун янги технологияни яратиш» ва 36-17-сонли «МХ-1,8 ПТМ эксплуатациядаги самарадорлигини ошириш мақсадида териш аппаратининг конструкциясини модернизациялаш» мавзуларидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мобил машиналардаги гидравлик тизимнинг энергия самарадорлигини оширувчи усулни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд гидротақсимлагичнинг энергия сарфини тадқиқ қилиш ва энергия самарадорлигига таъсир қилувчи параметрларни аниқлаш;

энергетик тежамкор гидротақсимлагичнинг параметрларини назарий асослаш ва математик моделини ишлаб чиқиш;

математик модель ёрдамида ишлаб чиқилган гидротақсимлагичнинг тажриба намунасини лаборатория синовларидан ўтказиш ва назарий тадқиқотларга адекватлигини текшириш;

такомиллашган гидротақсимлагич билан жиҳозланган машинани синовлардан ўтказиш ва машина функционал талабларига мослигини баҳолаш;

таклиф қилинаётган гидротақсимлагичнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пропорционал гидротақсимлагич билан жиҳозланган мобил машина олинган.

Тадқиқотнинг предмети мобил машинанинг гидравлик тизими, гидротақсимлагичнинг золотниги ва гидравлик қувват йўқотилиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суяқликлар назарий механикаси, математик анализ, экспериментларни математик режалаштириш усуллари, гидравлик машиналарни моделлаштириш, термодинамика қонунлари, гидродинамика ҳисоблаш дастурий таъминотлари, юк кўтариш-ташиш

қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

напор линиясидаги суёқликнинг босимини камайтиришга қаратилган гидротақсимлагич золотниги ва насос иш ҳажмини бошқаришни ҳисобга олиб аналитик боғлиқлик ишлаб чиқилган;

золотник жуфтлигининг энергиявий самарадор иш режимини ҳисобга олувчи математик модели ва тенграмаси ишлаб чиқилган;

ўзгарувчан ҳажмли насос ва гидротақсимлагич золотнигини синхрон бошқаришда қўтариш гидроюритмасининг тезкорлигини ҳисобга олувчи усули ишлаб чиқилган;

насос босим заҳирасини камайтириш учун икки қисмга бўлинган золотникли гидротақсимлагичдаги оқим ва босимнинг золотник силжишни инобатга олувчи боғлиқлик ифодаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

битта насос ва бир нечта фойдаланувчи учун гидравлик қувватни тақсимлаш усулига асосланган такомиллашган гидротақсимлагич золотниги ишлаб чиқилган;

такомиллашган гидротақсимлагич машина иш режимидаги босим ва оқим миқдорлари камайтирилиши, шу боис энергия самарадорлигига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услублардан фойдаланилганлиги, саноатда кенг тарқалган ҳисоблаш гидродинамика дастурий таъминотларидан (CFD) фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқот натижалари тажриба натижалари билан қиёсий таҳлил усулида асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энергия ресурстежамкор усулга асосланган гидротақсимлагич золотнигини ишлаб чиқиш ва унинг ўлчамлари асосланганлиги, ишга яроқлилиги математик моделлар, аналитик формулалар ва ҳисоблаш методикалари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган гидротақсимлагич машинанинг иш давридаги энергия самарадорлигини ошириб, ёнилғи сарф-харажатларини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши мобил гидравлик машиналарнинг энергия самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлардан олинган натижалар асосида:

гидротақсимлагич золотнигини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази»га жорий этилган («O'ZAGROTEXSANOATXOLDING» АЖнинг 2019 йил 11 сентябрдаги СХ-19-08/1541-сон маълумотномаси). Натижада ТТЗ 100НС трактори гидротақсимлагичининг ўзгартирилган конструкциясида напор линиясидаги босимни 15-20 %га камайтириш имконини берди;

ТТЗ 100НС тракторининг PVG32 модификацияланган гидротақсимлагичи

золотниклари жуфтлигининг шакли ва параметрлари «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази»га жорий этилган (“O‘ZAGROTEXSANOATXOLDING” АЖнинг 2019 йил 11 сентябрдаги СХ-19-08/1541-сон маълумотномаси). Натижада трактор ёнилғи сарфи 17 %гача камайган;

оператор буйруғига кўра, насос ишчи ҳажмини синхрон бошқариш дастури «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази»га жорий этилган (“O‘ZAGROTEXSANOATXOLDING” АЖнинг 2019 йил 11 сентябрдаги СХ-19-08/1541-сон маълумотномаси). Натижада оператор буйруғи ва цилиндрлик кўтариш механизмининг ҳаракатланиш вақтидаги фарқ 150 мс дан 35 мс гача қисқаришига олиб келиб, тракторнинг кўтариш механизми реакциядорлиги 4 мартага ортган;

PVG32 золотнигини икки қисмга бўлиш ва уни электрогидравлик бошқарилиши алгоритми «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази»га жорий этилган (“O‘ZAGROTEXSANOATXOLDING” АЖнинг 2019 йил 11 сентябрдаги СХ-19-08/1541-сон маълумотномаси). Натижада TTZ 100НС тракторида насос босим захираси 0.4-1 МПа гача камайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2018 йилда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та ЭҲМ дастурига муаллифлик гувоҳномаси олинган (№ DGU 05971, 2019 йил 16 январь).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловалар билан 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети, республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги тавсифлаб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижалари ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган. Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мобил машиналардаги гидравлик тизимлар ҳолати ва тадқиқотнинг вазифалари**» деб номланган биринчи бобда саноатда мобил машиналардаги гидравлик тизимлардан фойдаланиш шароитлари, гидротақсимлагичларнинг ишлаш принципи, қувват тақсимлашнинг мавжуд усуллари, битта насос ва бир неча фойдаланувчили гидротизимларнинг энергия самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилди.

Хорижий давлатлардаги гидравлик тизимларнинг энергия самарадорлигини аниқлаш учун турли гидротақсимлаш усуллари таҳлил қилинди. Энергетик ва экологик талаблар йиллар сайин кучайиб кетганлиги туфайли, гидравлик қурилмалар яратувчиларга талаблар ортиб бормоқда. Гидравлик машиналардаги энергия самарадорлик мавзуси 1970 йилларда кузатилган нефть маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиши туфайли пайдо бўлган жаҳон энергия инқирози даврига келиб ўрганила бошланди. Лекин шу даврга келиб ҳам, бу мавзу тўлалигича тадқиқ қилинмади, чунки гидравлик машиналарга асосий талаблар (ишончлилиқ, таъмирга яроқлилиқ, чидамлилиқ) асосий омил сифатида қолди ва энергия-ресурстежамкорлик мавзуси иккинчи даражалилигича қолиб кетди.

Америка Қўшма Штатларининг Давлат Энергетика Департаменти маълумотига кўра, ҳозирги кунда АҚШдаги гидравлик машиналар энергия самарадорлиги 21 %ни ташкил қилади. Буюк Британия Гидравлика Ассоциацияси (BFPA) эса бу кўрсаткич 23-30 % оралиғида эканлиги маълум қилади. Қишлоқ хўжалиги ва қурилиш машиналарини ишлаб чиқарувчи давлатларда (ОЕМ) гидравликанинг машиналарда қўлланилиш даражаси 90 %гача эканлиги ҳисобга олинса, энергия-ресурстежамкор машина ва қурилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Гидравлик машиналардаги энергия самарадорлигини ошириш усуллари назарий гидравликага асосланади. Уларнинг амалий қўлланиши MATLAB/Simulink/SolidWorks/LMS Amesim ва бошқа компьютер дастурий таъминотлари ёрдамида амалга оширилади. Математик моделларнинг фарқлилиги тадқиқотларда белгиланган мақсад ва вазифалари билан, уларнинг ишончлилиги эса эътиборга олинган омилларнинг сони билан асосланади.

Гидротақсимлагичларнинг конструкцияси ва тизимлари иш жараёнларини бошқарувчи электрон воситалар билан жиҳозланмоқда. Саноат гидравликасига кириб келаётган ахборот ва коммуникация технологиялари, электрон бошқарув тизимлари иш жараёнлари ва режимларининг параметрларини ўлчаш ва қайд этиш, уларни масофадан узатиш ва турли ҳисоботларни шакллантириш имконини беради. Гидротақсимлагич конструкциясида электрогидравлика элеменларини қўллаш ишончлилиқ, ресурстежамкорлик, экологик ҳафвсизлик ва тизим


самарадорлигини оширди. Шунга қарамай, ҳозирги кунда бундай электрон тизимлардан фойдаланиш даражаси сустигича қолмоқда. Бу эса самарадорликни оширишда истиқболли захиралар мавжудлигини кўрсатади.

Таҳлиллар кўрсатдики, бугунги кунда мобил машиналарда қўлланилаётган энергетик самарадорликни баҳолашни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас. Мамлакатимизнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларида «энергетик самарадорлик» тушунчаси ҳам келтирилмаган.

Республикада қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва йўл қурилиш соҳасида гидравлик тизимларга асосланган машина ва қурилмаларнинг кенг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатдаги энергетик вазиятнинг таҳлилидан келиб чиқиб, гидравлик тизимдаги қувватни энергия ресурстежамкор усулларга асосланган назорат клапанлари орқали бошқариш муаммоси долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг «Пропорционал гидротаксимлагич параметрларининг назарий асослари» деб номланган иккинчи бобида гидравлик тизим энергия самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, гидравлик тизим иш режимининг таснифи, таксимлаш архитектураларининг назарий таҳлили, пропорционал гидротаксимлагичлардаги золотник силжишида пайдо бўлувчи оқим кучлари ва энергия йўқотишлари параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари, золотник жуфтлигининг энергияли самарадор иш режимини ҳисобга олувчи математик модели ва тенгламаси келтирилган.

Саноат ва илм-фандаги мавжуд ҳар бир гидротаксимлаш усули, жумладан, оддий усул, юк босимини кузатувчи, электрон оқим мувофиқлиги, мустақил оқим ва бошқалар ўрганилган, уларнинг устунлик ва камчиликлари кўрсатиб ўтилган ва олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган (1-расм).



1-расм. Гидротаксимлаш усуллари:

(а)-оддий, (б)- босимни кузатувчи, (в)-электрон оқим мувофиқлиги, (г)- мустақил оқим.

Тадқиқотлар таҳлили гидравлик мобил машиналардаги гидравлик тизимлар энергетик самарадорлигини ошириш усуллари муаллифлар томонидан белгиланган мақсад ва вазифаларга кўра фарқланишини кўрсатди. Шунга қарамай,

гидравлик қувватни энергия ресурстежамкор усул билан тақсимлаш учун мавжуд икки усул – электрон оқим мувофиқлиги ва мустақил оқим тизимларининг камчиликларини бартараф этилувчи учинчи усул мавжудлиги тадқиқ қилинмаган.

Машина гидравлик тизимининг энергетик самарадорлик моҳиятига кўра муаммонинг ечимларини излаш техник, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва экологик жиҳатларнинг бирдамлигини таъминлаш учун тизимли тадқиқот олиб бориш кераклилигини аниқлатади.

Шу асосда, **гидравлик тизим билан юритилувчи машинанинг энергетик самарадорлиги – эксплуатация шароитидаги ташқи кучларни енгиш учун зарур фойдали энергиянинг зарур гидравлик энергияга нисбати** тушунилади:

$$\eta = \frac{E_m}{E}, \quad (1)$$

бунда: E_m – эксплуатация шароитида ташқи кучларни енгиш учун зарур фойдали энергия, Дж; E – гидравлик энергия, Дж.


$$E = \frac{\int P dt}{\eta_T}. \quad (2)$$

бунда: P – гидравлик қувват, η_T – гидравлик тизимнинг умумий самарадорлик коэффициенти.

Олиб борилган тадқиқотлар турли йўналишларда ва кўп сонли бўлишига қарамай, гидравлик қувватнинг энергия самарадорлиги масалаларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги кўрсатилган, шу асосда тадқиқот вазибалари шакллантирилган. Ишлаш мобайнида юзага келувчи энергия йўқотишлари таҳлили ўтказилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ёритиб берилган. Гидравлик тизимлар қисмлари алоҳида ва умумий шаклда таҳлил қилиниши натижасида гидравлик тизимдаги энергия сарфига ҳисса қўшувчи омиллар аниқланган.

Босимни кузатувчи гидротаксимлагич саноатда қўлланилган ҳозирда энг тежамкор усул бўлиб (2-расм), унинг t_1 ва t_2 вақт оралиғидаги бажаришга гидравлик энергия сарфи E қуйидагича аниқланади:

$$E = \int_{t_0}^{t_1} p_s Q_s dt = \int_{t_0}^{t_1} (p_u + s) \cdot (Q_u + Q_c) dt, \quad (3)$$



2-расм. Гидротаксимлашнинг кузатувчи босим усули:

Ўзгарувчан иш ҳажмли насос индекси α оқимни бошқарувчи пропорционал клапаннинг босим фарқи s га тенг бўлишини таъминлайди.

ва бунда p_s насос босими, p_u фойдаланувчига таъсир этувчи юк туфайли пайдо бўлган кузатилувчи босим ва s - оқимни бошқарувчи пропорционал клапаннинг кириш ва чиқиш каналларидаги босим фарқи; Q_s, Q_u ва Q_c мос равишда насос ва фойдаланувчи оқимлари ва оқим йўқотишларидир. Энергия самарадорлигини ошириш интеграл остидаги ифода $p_s Q_s$ ни камайтириш демакдир.

Кўриниб турибдики, энергия самарадорлигини ошириш учун система босими ва ёки оқим камайтирилиши керак. Насос ва фойдаланувчи орасидаги босим фарқи s нинг қиймати тизимнинг энг номақбул иш режимидан келиб чиқиб танланади (паст ишчи мой ҳарорати ва юқори мой қуюшқоқлиги, улагич шланглардаги сезиларли босим йўқотишлар). Лекин нормал иш режими номақбул иш режимидан фарқ қилади, бу эса босим фарқи s керагидан ортиқ қийматда лойихаланишига олиб келади.

Насосдан чиқаётган реал оқим Q_r қуйидагига тенг

$$Q_r = Q_n - Q_l - Q_\beta - Q_f = V\omega - Q_l - Q_\beta - Q_f, \quad (4)$$

бунда Q_n – насоснинг назарий оқими, насос иш ҳажми V ва вал айланиш тезлиги ω . Q_l, Q_β ва Q_f лар - оқим сизиб чиқиш йўқотилиши, суюқлик сиқилувчанлиги туфайли оқим йўқотилиши (ҳажм модули β га боғлиқ) ва етарли тўлмаслик туфайли оқим йўқотилишидир. Суюқлик сиқилувчанлиги туфайли оқим йўқотилиши Q_β қуйидаги кўринишга келади:

$$Q_{н,ч} = \frac{\rho_k}{\rho_ч} Q_{н,к}, \quad (5)$$

бунда: $Q_{н,ч}, Q_{н,к}$ ва $\rho_k, \rho_ч$ мос равишда насосдан чиқувчи-кирувчи оқим ва зичликлардир. У ҳолда:

$$\rho_ч = \frac{\rho_k}{1-\beta}, \quad Q_\beta = Q_k - Q_ч = \frac{\omega p V}{\beta}, \quad (6)$$

бунда: ω, p ва V насос айланиш тезлиги, насос босими ва насос иш ҳажмидир. Насос сизиб чиқиш йўқотишлари ламинар оқим режими табиатига эга ва у қуйидагича ифодаланади:

$$Q_l = Gp, \quad G = \frac{bh^3}{12\mu Tl}, \quad (7)$$

бунда: p – сизиб чиқиш босим фарқи, G – ўтказувчанлик, b – сизиб чиқиш юзасининг эни, h – сизиб чиқиш юзасининг бўйи, l – узунлиги, μ – суюқлик қовушқоқлиги, T – ишчи суюқлик ҳарорати.

Етарли тўлмаслик туфайли оқим йўқотилиши Q_f ни насос вали айланиш тезлигига пропорционал деб олиш мумкин. У ҳолда:

$$Q_f = (1 - \alpha_f) Q_n, \text{ агар } Q_n < vA, \quad (8)$$

бунда, α_f - етарли тўлмаслик коэффиценти.

Хулоса қилиб, насос реал оқими Q_r қуйидаги кўринишга эга

$$Q_r = V\omega - \frac{\omega p V}{\beta} - Gp = V\omega \left(1 - \frac{p}{\beta}\right) - Gp \approx V\omega - Gp, \quad (9)$$

чунки, хажм модули β одатда 1400-1700 МПа қийматларда бўлиб, напор линияси $p = 200$ МПа дан ошмайди, $\frac{p}{\beta} \approx 0.01$. Шу боис, ўтказувчанлик G ҳароратга боғлиқлиги учун қовушқоқликнинг суяқлик ҳароратига боғлиқлигини ҳисобга олиш муҳим.

Золотникли назорат клапанидаги қувват йўқотишлари ΔP_w қуйидагига тенг:

$$\Delta P_w = Q_{throt} \cdot \Delta p = C_d A_v \Delta p \sqrt{\frac{2\Delta p}{\rho}} = \frac{\rho}{2C_d^2 A_v^2} Q_{throt}^3, \quad (10)$$

бунда: Q_{throt} – тирқишдан чиқаётган оқим, A_v – тирқиш юзаси. Энергия йўқотишларини камайтириш A_v ни оширишни тақозо этади. Бу эса золотникнинг диаметри ва унинг ҳаракатини оширишни англатади. Шу боисдан катта оқимга мўлжалланган клапанларда золотник ўлчамлари катта ва кичик оқимга мўлжалланган клапанларда золотник ўлчамлари кичик этиб танланади. Оқим ўз навбатида, золотникнинг силжиши ва ташқи юк ҳосил қилган босимга боғлиқ:

$$Q_L = Q_L(x_v, p_L) \quad (11)$$

Оқим ифодасининг чизикли таҳлили учун Тайлор формуласи билан $L1$ нукта атрофида ёйилганда:

$$Q_L = Q_{L1} + \left. \frac{\partial Q_L}{\partial x_v} \right|_1 \Delta x_v + \left. \frac{\partial Q_L}{\partial p_L} \right|_1 \Delta p_L + \dots \quad (12)$$

$$Q_L - Q_{L1} \stackrel{\text{def}}{=} \Delta Q_L = \left. \frac{\partial Q_L}{\partial x_v} \right|_1 \Delta x_v + \left. \frac{\partial Q_L}{\partial p_L} \right|_1 \Delta p_L \quad (13)$$

Клапан барқарорлигини ифодаловчи оқимнинг золотник силжишининг ўзгаришига таъсирчанлигини K_q ни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_q = \frac{\partial Q_L}{\partial x_v}. \quad (14)$$

Оқимнинг босим ўзгаришига таъсирчанлигини K_c билан ифодалаш мумкин:

$$K_c = - \left. \frac{\partial Q_L}{\partial p_L} \right|_1. \quad (15)$$

Босимча таъсирчанлик K_p қуйидагича белгиланса:

$$K_p = \frac{\partial p_L}{\partial x_v} = - \frac{\frac{\partial Q_L}{\partial x_v}}{\frac{\partial Q_L}{\partial p_L}} = - \frac{K_q}{K_c}, \quad (16)$$

шунинг учун назорат клапани учун икки қисмга бўлинган золотникли гидротақсимлагичдаги оқим ва босимнинг золотник силжишини ҳисобга олувчи боғлиқлик ифодаси қуйидагига тенг:

$$\Delta Q_L = K_q \Delta x_v - K_c \Delta p_L. \quad (17)$$

Золотникнинг марказий ҳолати $x_v = 0$ деб белгиланади ва у критик барқарор нукта ҳисобланади, чунки K_q катта ва K_c кичик қийматларни кўрсатади. Оқим ва

босимнинг золотник силжишини ҳисобга олувчи боғлиқлик ифодасини топишда қуйидаги оқим тенгламасини ёзамиз:

$$Q_L = C_d A_1 \sqrt{\frac{2}{\rho} (P_s - P_L)}, \text{ агар } x_v > 0 \quad (18)$$

бунда: P_s – насос босими, P_L – юк линиясидаги босим, C_d – разгрузка коэффициенти. Иккинчи золотник қисми учун эса

$$Q_L = -C_d A_2 \sqrt{\frac{2}{\rho} (P_s + P_L)}, \text{ агар } x_v < 0. \quad (19)$$

Иккала тенглани умумлаштириб, симметрик золотник учун оқим ва босим эгри чизиғини ифодаловчи тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q_L = C_d |A_1| \frac{x_v}{|x_v|} \sqrt{\frac{1}{\rho} (P_s - \frac{x_v}{|x_v|} P_L)}. \quad (20)$$

Бу тенглама реал клапаннинг иш чизиқларини ифода қилади, шу боис шакл параметри w киритилган ҳолда қуйидаги ифода келиб чиқади:

$$Q_L = C_d w x_v \sqrt{\frac{1}{\rho} (P_s - \frac{x_v}{|x_v|} P_L)}. \quad (21)$$

Шакл параметри w лаборатория синовларида эмпирик усулда топилиб, золотник ходининг турли қисмлари учун график кўринишида бериш зарур.

Энергия тенгламасининг умумий кўриниши ёзилса:

$$\dot{H} - \dot{W} = \frac{\partial}{\partial t} \int_C \rho \left(u + \frac{v^2}{2} + gz \right) dA + \oint \rho \left(u + \frac{v^2}{2} + gz \right) \vec{V} d\vec{s}, \quad (22)$$

бунда: \dot{H} – назорат ҳажмдаги иссиқлик алмашинуви (нолга тенг), \dot{W} – механик қувват, $u + \frac{v^2}{2} + gz$ эса масса бирлигига тўғри келувчи энергия. Механик энергиянинг

3 ташкил этувчиси мавжуд бўлиб, улар мос равишда айланма ўққа бериладиган иш W_{ax} , уринма стресс туфайли ҳосил бўлган иш W_τ ва суюқлик босими орқали пайдо бўлувчи иш W_p , $W = W_{ax} + W_\tau + W_p$. Суюқлик босими орқали пайдо бўлувчи ишнинг икки ташкил қилувчиси бўлиб, улар \dot{W}_{pflow} ва \dot{W}_{pD} – мос равишда суюқлик ҳаракати ва тизимдаги ҳажм ўзгариши туфайли содир бўладиган ишлардир: $\dot{W}_{pflow} = \oint P \vec{V} d\vec{s}$, $\dot{W}_{pD} = \oint P \vec{V}_d d\vec{s}$. Шу боис, симуляция модели ушбу ифода асосида бажарилади:

$$\dot{W}_p = \oint P \vec{V}_d \hat{n} ds. \quad (19)$$

Золотник жуфтлигининг энергиявий самарадор иш режимини ҳисобга олувчи математик модели момент тенгламасининг дифференциал кўринишида орқали топилди:

$$- \int_{SE} P d\vec{s} - \int_{SS} P d\vec{s} - \int_{SL} P d\vec{s} + \int_{SL} \bar{\tau} dS = \frac{\partial}{\partial t} \int_{Vc} \rho \vec{V}_1 dV + \oint_{SC} \rho \vec{V}_1 \vec{V}_r d\vec{s} \quad (20)$$

Шу билан бирга, назорат клапанларидаги золотник силжиши давомида суюқликнинг ҳаракати туфайли вужудга келувчи реакция кучини ҳам ҳисоблаш муҳим. Золотник тирқишига \vec{v}_1 тезлик билан келаётган ва \vec{v}_2 тезлик билан чиқиб кетаётган суюқликнинг золотникка берадиган реакция кучи қуйидагига тенг:

$$\vec{F}_j = \rho Q(\vec{v}_1 - \vec{v}_2). \quad (21)$$


Сууюклик чикиб кетаётган ҳолда $v_1 \ll v_2$ бўлиб,

$$v_2 = \frac{Q}{c_c A_v}, \quad \vec{F}_j = -\rho Q \vec{v}_2, \quad F_j = \frac{\rho Q^2}{c_c A_v}, \quad (22)$$

бунда C_c – тирқишнинг кичрайиш коэффициенти

$$Q = C_d A_v \sqrt{\frac{2\Delta p}{\rho}}, \quad F_j = \frac{2C_d^2 A_v}{c_c} \Delta p. \quad (23)$$

Мавжуд гидравлик тизим симуляция дастурини саноатда кенг қўлланилаётган LMS Amesim дастурий таъминотида яратиш мумкин (3-расм).




3-расм. Мавжуд гидравлик тизимнинг саноат дастурий таъминотидаги симуляция экрани. Насос VPA 40, устуворлик клапани OLS 40, тақсимлагичлар PVB ўзаро уланган ҳолда ягона гидравлик тизим шаклига келтирилган.

Тизим напор линиясидаги босимни камайтириш учун электрон оқим мувофиқлиги усули мавжуд бўлиб, у очик бошқарувга асосланган, яъни оператор буйруғи ва насос иш ҳажми электрон сигналлар ёрдамида бошқарув блокига узатилади ва мос равишда бошқарилади. Шу билан насос ва фойдаланувчи орасидаги босим фарқи тизим иш режимига боғлиқ эмаслиги таъминланади.

Шунингдек, насос босимини камайтириш цилиндрга кирувчи оқим бошқариш клапанини тўлиқ очиш билан амалга оширилса, цилиндрдан чиқаётган клапанни эса керакли тезликка мослаб бошқариш мумкин.


Мустақил оқим усули ёрдамида фойдаланувчи кириш-чиқиш каналлари мустақил бошқарилади. Шунинг учун, бу усулда рекуперация/регенерация режими мавжуд ва у туфайли насос оқимини камайтириш мумкин.

Таклиф этилаётган усул қуйидагича амалга оширилади (4-расм): ўзгарувчан ҳажмли насосдан чиқаётган оқим иккита 4 каналли 3 позицияли пропорционал сервоклапан орқали ишчи цилиндрга уланган. Сервоклапанлар тинч ҳолатда ёпиқ марказли бўлиб, оператор буйруғи асосида ўнг ёки чапга пропорционал равишда силжийди. Ўзгарувчан иш ҳажмли насос индекси ҳам оператор буйруғига мослаб ўзгаради.



4-расм. Таклиф этилаётган гидравлик қувват тақсимлаш усули
4 та босим датчиклари (p_a , p_b , p_s ва p_r) цилиндр кириш чиқиш каналлари, насос ва резервуар босимларини ўлчайди ва электрон бошқарув қурилмасига узатилади.

Диссертациянинг «Экспериментал тадқиқотлар дастури ва услуби» деб номланган учинчи бобида гидравлик тизим математик модели ва золотникнинг математик модели LMS Amesim саноат дастурий таъминоти ёрдамида асосланган. Суюқлик ҳаракатининг таҳлили суюқликлар динамикасини ҳисоблаш дастури SolidWorks Flow Simulationда ўрганилган. Ўзаро яқин чегаравий суюқлик участкаларида камида 15 тадан катак бўлиши таъминланган ҳолда, ўзгарувчан катаклар услуби қўлланилган (5-расм).





5-расм. Золотникнинг силжиши туфайли ҳосил бўлган тирқишдан ўтаётган суюқлик динамикасининг SolidWorks Flow Simulation дастурий таъминотдаги кўриниши.

Золотникнинг тирқишлари шаклидан келиб чиқиб, ҳар бир ўйма учун LMS Amesim дастурий таъминотида мавжуд симуляцион моделлар танланади ва геометрик параметрлари SolidWorks чизмаларидан олинади (6-расм). Дастур кутубхонасида мавжуд бўлмаган шакллар эса параметрик равишда берилади, масалан, золотник силжиши туфайли пайдо бўлган тирқиш юзаси ва золотникнинг силжиши ҳисоб массиви сифатида дастурга киритилади.

Тадқиқот услуби қуйидагидан иборат(7-расм). Биринчи навбатда мавжуд клапан лаборатория синовларида ўрганилди ва маълумотлар олинди. Сўнгра клапан 2 га ажратилди ва унинг чизмалари SolidWorks дастурий таъминотида йиғилди. Аниқ ўлчов параметрлари олинган клапаннинг симуляция модели SolidWorks Flow Simulation ва LMS Amesim дастурий таъминотида яратилди.

Дастур ва лаборатория синовлари натижаларининг ўзаро мослиги текширилгач, моделга ўзгартириш киритилади. Моделдан олинган параметрлар асосида клапаннинг тест нухаси яратилади.




6-расм. Золотник ҳар бир ўлчамларининг LMS Amesim дастурий таъминотдаги кўриниши.



7-расм. Олиб борилган тадқиқотларнинг кетма-кетлик схемаси.


Лаборатория синовларида MOBIL DTE25 гидравлик мойидан фойдаланилди ва унинг ҳарорати 38°C ва резервуардаги босим 0,5 барда эканлиги кузатилди. Тестлар ўтказишдан олдин барча ўлчов асбоблари калибровкадан ўтказилди (8-расм). Соленоид 4 золотникнинг силжишини таъминласа, позиция сенсори 1 золотникнинг силжишини аналог сенсор билан қайд этиб боради. Золотник клапан корпуси ичида силжиши натижасида P дан A га ва B дан T каналга оқим ўтиши таъминланади. P каналда ўрнатилган манометр ва пьезоэлектрик босим сенсорлари A ва B каналлардаги босимларни ўлчайди. HM11 турбина типидagi

оқим ўлчагичи 2 оқимнинг A каналдаги қийматларини маълумотларни ёзиб боровчи тизимга узатади.



8-расм. Лаборатория синовлари қурилмасининг кўриниши.

Лаборатория натижалари кўрсатадики, мавжуд гидротақсимлагич билан жиҳозланган тизимда P дан A га ва B дан T каналга оқим ўтишида кераксиз энергия йўқотишлари мавжуд (9-расм). Гарчанд B канал резервуарга уланган бўлса-да, p_B нинг қийматлари 7 бар атрофида. Бу эса назорат клапани туфайли тизимнинг энергия самарадорлигини камайтирувчи омиллардан биридир.



9-расм. Мавжуд гидротақсимлагичнинг иш эгри чизиқлари

Диссертациянинг «Тадқиқотлар таҳлили ва тавсияларни ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда қурилманинг таққослов синови натижалари келтирилган. Жумладан, напор линиясидаги босимнинг пасайиши кузатилган. Лаборатория синовлари ва назарий тадқиқотлар адекватлиги келтириб ўтилган, масалан, оқим ва золотник силжишининг лаборатория ва симулятордаги қийматлари таққосланган.


Тадқиқот якунида эришилган натижалар келтириб ўтилган, жумладан:
 - трактор гидротақсимлагичининг ўзгартирилган конструкцияси рекуперация

режими мавжудлиги напор линиясидаги босимни 15-20 %га камайтириш имконини берди (10-расм);

- тракторнинг PVG32 модифицирланган гидротақсимлагичи золотниклари жуфтлигининг шакли ва параметрлари трактор энергия самарадорлигини 17 %гача камайтирди;

- оператор буйруғига кўра насос ишчи ҳажмининг синхрон бошқарилиши оператор буйруғи ва цилиндрлик кўтариш механизмининг ҳаракатланиш вақтидаги фарқ 150 мс дан 35 мс гача қисқаришига олиб келиб, натижада тракторнинг кўтариш механизми реакция вақти 4 мартага ортди;

- золотник ва унинг электрогидравлик бошқарилишини икки қисмга ажратиш орқали TTZ 100НС тракторида насос босим захираси 0.4-1 МПа гача камайди.



10-расм. Таклиф қилинаётган ва мавжуд усулларнинг напор линиясидаги босими фарқи.

ХУЛОСА

«Мобил гидравлик машиналари энергия самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бугунги кунда мобил машиналарда қўлланилаётган гидравлик тизимнинг энергия самарадорлигини баҳолашни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Мамлакатимизнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларида «энергетик самарадорлик» тушунчаси ҳам келтирилмаган. Шунинг учун олиб, гидравлик тизим билан юритилувчи машинанинг энергетик самарадорлиги - эксплуатация шароитидаги ташқи кучларни енгиш учун зарур фойдали энергияни тавсифловчи нисбий кўрсаткич деб белгиланди. Саноатда қўлланилаётган босимни кузатувчи гидротақсимлаш усулидаги энергия самарадорлигига таъсир қилувчи параметрларидан бири - насос ва фойдаланувчи орасидаги босим фарқининг қиймати номақбул иш режимидан келиб чиқиб керагидан ортиқ қийматда лойиҳаланиши аниқланди.

2. Энергетик тежамкор гидротақсимлагичнинг параметрлари назарий асосланиб, золотник жуфтлигининг энергиявий самарадор иш режимини ҳисобга олувчи математик модели ишлаб чиқилди. Назарий таҳлиллар ёрдамида ушбу тақсимот усули босимни кузатувчи тизимдаги энергия йўқотишларни 31% гача

қисқартириш мумкинлиги ҳисобланди.

3. Математик модель ёрдамида ишлаб чиқилган гидротақсимлагичнинг золотниги ва насос иш ҳажмини бошқариш аналитик боғлиқлиги лаборатория синовларидан ўтказилди ва назарий тадқиқотларга адекватлиги текширилди. Математик моделнинг ишончлилиги $\pm 3\%$ ни ташкил этиши аниқланди. Натижада конструкциясига ўзгартириш киритилган пропорционал PVG 32 гидротақсимлагич напор линиясидаги ишчи суёқлик босимини 15-20 %га камайтириши аниқланди.

4. Такомиллашган гидротақсимлагич билан жиҳозланган TTZ 100НС трактори синовлардан ўтказилди ва машина функционал талабларига мослигини баҳоланди. Ўзгарувчан ҳажмли насос ва гидротақсимлагич золотнигини синхрон бошқариш усули оператор буйруғи ва цилиндрлик кўтариш механизмининг ҳаракатланиш вақтини 150 мс дан 35 мс гача қисқартириб, гидроюритма тезкорлигини 4 баробарга орттириши аниқланди.

5. Мустақил оқим ва электрон оқим мувофиқлиги тақсимлаш усуллариининг комбинациясидан фойдаланиб, золотникни икки қисмга ажратиш ва уларни соленоидлар билан бошқариш боғлиқлик ифодаси аниқланди. Натижада насоснинг босим захираси 0,4-1 МПа га камайишига имкон яратилди.

6. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таклиф қилинаётган усул асосида ишлайдиган гидравлик тизимга иккинчи контурни улаш энергия йўқотилишларни 22% гача, учинчи контурни улаш эса 7% гача камайтириши мумкин. Тизимдаги энергия йўқотилишлари фойдаланувчилардаги босимнинг миқдоран ўзаро фарқига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир фойдаланувчига биттадан насосни ишлатиш эса мавжуд босимни кузатувчи усулга нисбатан энергия йўқотилишларини 40% гача камайтириши мумкин.

7. Таклиф қилинаётган гидротақсимлагичнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, у машина энергия ресурстежамкорлигини оширади, экологик талабларга мувофиқлигини таъминлайди ва ёнилғи сарфини 17 %гача камайтиришга имкон яратади. Дизель ёнилғисининг нархи 5500 сўм/л ва тракторнинг ёнилғи сарфини 21,8 л/соат эканлигини инобатга олиб, 1 йилда 20,4 млн. сўм иқтисодий самара олиниши мумкинлиги аниқланди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC
DEGREES DSc.18/30.12.2019.T.09.01 AT THE TASHKENT INSTITUTE OF
DESIGN, CONSTRUCTION & MAINTENANCE OF AUTOMOTIVE ROADS**

TURIN POLYTECHNIC UNIVERSITY IN TASHKENT

MIRZALIEV SANJAR MAKHAMATJAN OGLI

**IMPROVEMENT METHODS OF ENERGY EFFICIENCY IN MOBILE
HYDRAULIC MACHINES**

05.08.06 – Wheeled and tracked machines and their operation

**DISSERTATION ABSTRACT OF DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON TECHNICAL SCIENCES**

Tashkent – 2020

The theme of the doctoral of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2018.4.PhD/T953

The dissertation has been prepared at Turin Polytechnic University in Tashkent

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the website of the Scientific council (www.tayleqi.uz) and at the Information and educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:	Sharipov Kongratbay Avezimbetovich doctor of technical science, professor
Official opponents:	Alimukhamedov Shavkat Pirmukhamedovich doctor of technical science, professor
	Aliboev Bakhtiyor Abdurakhmonovich doctor of philosophy in technical sciences, PhD
Leading organization:	Constructon-technologic center for agricultural machinery, LTD

The defense of the dissertation will take place «__»_____ 2020 at the meeting of Scientific council meeting No. DSc.18/30.12.2019.T.09.01 at Tashkent Institute of Design, Construction & Maintenance of Automotive Roads (Address: 100060, Tashkent city, Mirabad district, Amir Temur prospect 20. Tel/fax: (+99871) 232-14-39; e-mail: tadi_info@edu.uz).

The doctoral dissertation can be reviewed at the Information Resource Center of the Tashkent Institute of Design, Construction & Maintenance of Automotive Roads (registration number No _____). Address: 100060, Tashkent city, Mirabad district, Amir Temur prospect 20. Tel: (+99871) 232-14-45.

Abstract of the dissertation sent out on «__»_____, 2020 y.
(mailing report No___ on _____, 2020 y.).

A.A. Riskulov
Chairman of the scientific council
awarding scientific degrees,
doctor of technical sciences, professor

R. A. Abdurakhmanov
Scientific secretary of the scientific council
awarding scientific degrees,
doctor of philosophy PhD

A.A. Mukhitdinov
Chairman of academic seminar under
the scientific council awarding scientific degrees,
doctor of technical sciences, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

Relevance of the topic of dissertation. A topic of energy efficient and productive machinery has become important in recent years. High accuracy, rugged operation, high power to mass ratio of fluid power systems are highly appreciated in machine industry. In general, it is necessary to distinguish two types of fluid systems, transport and power. In this work, ways of fluid power distribution between actuators are analyzed on top of the widespread technologies. In fluid power, power generated by a single pump is distributed between several actuators. In this regard, a layout of power generation (a kind of pump used) and distribution (a kind of control valve used) are essential in determining machine energy efficiency and working performance.

Many scientific researches are being conducted in the world on the topics of performance of hydraulic machines, durability of materials, safety and accuracy of operation, compliance with the vibration and noise standards. In this regard, it is important to develop methods aimed at improving energy efficiency of hydraulic systems and ensuring their compliance with environmental requirements. Given the widespread use of hydraulic systems in agricultural machinery and road construction industries, it is necessary to transmit hydraulic power to users through control valves effectively based on high efficiency methods.

Extensive measures are being taken to save resources in the manufacturing sector of the Republic of Uzbekistan, to develop high-performance industrial machines based on advanced technologies. Development strategy of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 years outlines further development and liberalization of national economy¹. According to the Strategy, reduction of energy and resource costs, widespread introduction of energy-saving technologies and increased labor productivity in the economy are key factors in improving the competitiveness of the economy through deepening structural reforms, modernization and diversification of the leading sectors of the national economy.

In particular, the state program for 2017 year includes specific actions for ministries and agencies to update and modernize obsolete and physically outdated equipment at large industrial sectors, increase energy efficiency in production and optimize technological processes.

The research of this dissertation, in partly and a whole, is carried out as a contribution to the implementation of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 PF-4947 "On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan", Resolution of the President of Republic of Uzbekistan PQ-2694 dated 2016 December 23 "On measures for further reform and development of agricultural sector for 2016-2020" and PQ-3117 dated 2017 July 7 "On measures for further development of scientific and technical base in the field of agricultural machine-building" and other normative-legal acts set forth related to this activity.

Compliance of the research with the priority directions of science and technology of the Republic. This dissertation is performed in accordance with the

¹ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 № PF-4947 "On the Strategy of the Development of the Republic of Uzbekistan".

priority directions of development of Science and Technology of the Republic III. «Energy and energy-resource-saving».

